

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА



**15 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 26 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисида сўзлаган нутқининг, 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасининг асосий қоидаларини рўйбга чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури тўғрисида»ги масалани, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган бир қатор

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисини шу йил 7-8 майда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

қонунларини, хусусан, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 180 ва 275-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонунларни киритиш мўлжалланмоқда.

Булардан ташқари, Сенатнинг ялпи мажлисида давлат қурилиши ва бошқаруви, ташқи сиёсат соҳасидаги бошқа қонунлар ҳам кўриб чиқилади.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати кўмиталари ва Девонининг иккинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати материали асосида тайёрланди.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2010 йил 16 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йил биринчи чорагидаги яқунлари кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан республика ҳукуматининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.**

Мажлисда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари, макроиқтисодий мувозанатлилини, иқтисодиётни юксалтиришнинг барқарор суръатларини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларининг, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури тадбирларининг тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi салбий таъсирининг олдини олиш, балки макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари ҳам таъминланмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,6 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,1 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 12,2 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 20,1 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Экспорт салоҳиятини ошириш ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини янги ташқи бозорларга чиқариш юзасидан амалга оширилаётган тизимли ишлар экспорт ҳажмларининг 22,1 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмаси бўйича салмоқли ижобий сальдога эришишни таъминлади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида тўғри-

дан-тўғри хорижий инвестициялар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,6 баравар кўп ўзлаштирилди. Техник жиҳатдан модернизациялаш бўйича 29 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди, 118 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш жараёнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпайишини таъминлайдиган стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича ишларнинг самарадорлигини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. 2010 йилда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир 418 та лойиҳа бўйича объектларнинг фойдаланишга топширилиши мўлжалланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Нооziқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, улар билан ички истеъмол бозорини тўлдириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш масалалари ҳар томонлама таҳлил қилинди. Қайд этиб ўтилдики, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларига берилган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари, тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал соҳасига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг ўсиши туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, шу жумладан, нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9 фоизга кўпайди.

Мажлисда муҳокама қилиш давомида «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси раҳбарлари фаолиятига танқидий баҳо берилиб, улар зиммасига республика енгил саноатини янада ривожлантириш, шу жумладан, сифатли, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, экспорт ассортиментини кенгайтириш, янги истикболли бозор-

ларни излаш, тармоққа тўғридан-тўғри инвестицияларни ва замонавий технологияларни жалб этиш бўйича вазифалар қўйилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда шу билан боғлиқ бўлган аҳоли даромадларини кўпайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш муаммоларини ҳал этиш энг муҳим ва асосий вазифалар жумласидандир. Шу муносабат билан мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши муфассал таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жорий йил бошидан буён республикада 215,4 мингта янги иш ўрни ташкил этилди, шундан 150,1 мингтадан кўпроғи ёки қарийб 70 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Касаначиликни ва халқ хунармандчилигини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида қўшимча равишда 53,1 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлади.

Муҳокама давомида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги мавжуд захираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Касаначиликни, энг аввало, саноат корхоналари билан кооперациялашув асосида ривожлантириш, жорий йилнинг биринчи чорагида 135,4 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишини янада қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни кучайтириш муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда мамлакатимизда соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тадбирларининг амалга оширилиши муҳокамасига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Давлат дастури тадбирларини амалга оширишга 1,4 триллион сўм ва 25,4 миллион АҚШ доллари йўналтирилди.

Оналарнинг репродуктив саломатлигини ва болаларни ҳимоя қилишни янада яхшилаш, устувор равишда профилактикавий

соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, соғлом авлодни шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Таълим муассасалари ва болалар спорти объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётни такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, шу жумладан, 1551 та мактабни компьютер техникаси билан, шунингдек, қишлоқ жойлардаги 316 та мактабни ўқув-лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ёшлар учун 106,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Ёш оилаларнинг турар-жой шароитини яхшилаш мақсадида уларга 23,8 млрд сўм миқдоридаги имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбарларининг эътибори қатъий маънавий-ахлоқий эътиқодга ва уйғун дунёқарашга эга бўлган, четдан бўладиган гоёвий ва маънавий таҳдидларга, турли иллатларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялашга доир ишларни янада кучайтириш муҳимлигига қаратилди.

Шу билан бир қаторда, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига Давлат дастурида назарда тутилган ҳар бир тадбирнинг амалга оширилишини жадаллаштириш юзасидан аниқ вазифалар юкланди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва республикадаги йирик корхоналар ҳамда вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳукумати мажлиси кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилиш яқунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, уларда 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

ЎЗА.

УШБУ  
СОНДА

1-бет

**Вазирлар  
Маҳкамасининг  
мажлиси**

\$1 = 1560,01 сўм

2-бет

**Товарингиз белгиси  
ишлаб турсин**

€ 1 = 2133,47 сўм

4-5-бетлар

**Бухгалтерия  
ҳисоби масалалари**

£1 = 2412,09 сўм

6-бет

**Ҳукм чиқаришда  
экспертизанинг  
аҳамияти**

¥10 = 167,53 сўм



# ТОВАР БЕЛГИСИДАН ФАОЛ ФОЙДАЛАНИНГ

Тахририятимизга келаётган хат-хабарлар интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя этиш мавзусига газетхонларнинг қизиқиши ошганлигини кўрсатмоқда. Бугунги бизнеснинг катта қисми ҳам «олиб сотиш»дан кўра «ишлаб чиқариб, фойдага реализация қилиш»ни кўпроқ устувор деб билаётир. Шунинг учун олиб, экспертларимиз Давлат патент идораси мутахассислари билан ҳамкорликда, фикримизча, нафақат газетга хат ёзган муаллифларнинг, балки бошқа газетхонларимизнинг кенг доирасини ҳам қизиқтирадиган масалалар бўйича материаллар туркумини тайёрладилар. Бугунги материалларимизни товар белгиларига бағишлаймиз.

## РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛИШГА МУҲТОЖ...



Кўшма корхона ўзи ишлаб чиқарган товарларни оригинал белги билан маркировкалади ва уларни Ўзбекистонда реализация қилади. Бироқ товар белгиси сифатида у фақат Россия Федерациясида рўйхатдан ўтказилган. Уни Ўзбекистон ҳудудида муҳофаза қилишни таъминлаш ва республикада ноҳалол фойдаланишнинг олдини олиш учун шунинг ўзи етарлими?

– Афсуски, етарли эмас. Гап шундаки, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш қоидаларидан бири бўлиб ҳудудий амал қилиш қоидаси ҳисобланади. Унга кўра, бирор-бир мамлакат ҳудудида рўйхатдан ўтказилган товар белгиси, ихтиро ва бошқа объектлар фақат мазкур давлатдагина ҳуқуқий муҳофазага эгадир.

Чунончи, масалан, Ўзбекистонда товар белгисига берилган гувоҳнома ёки ихтиро учун патент фақат республика ҳудудида амал қилади ва бошқа давлатларда юридик кучга эга эмас. Хорижда ҳуқуқий муҳофазаланадиган объектларга ҳам шу нарсаси тааллуқлидир. Ўз товар белгисини Россия Федерациясида ёки исталган бошқа давлатда рўйхатдан ўтказиб, унинг эгаси мазкур мамлакат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларнинг тўлиқ ҳажмига эга бўлади. Бироқ бу ҳуқуқларнинг барчаси Ўзбекистон ҳудудида амал қилмайди.

Республикада фойдаланилаётган белгини муҳофаза қилиш ва унга доир ҳуқуқларни ҳимоя қилишни таъминлашнинг бирдан-бир усули белгини амалдаги миллий қонунчиликнинг қоидаларига мувофиқ товар белгиси сифа-

тида рўйхатдан ўтказиш ҳисобланади. Хорижда рўйхатдан ўтказилган товар белгиларининг эгалари уларни Ўзбекистонда икки йўл билан рўйхатдан ўтказишлари мумкин. **Биринчи йўл** – «миллий таомил» бўйича рўйхатдан ўтказиш бўлиб, Давлат патент идорасига (бундан кейин – Патент идораси) буюртманомаси бериш ҳамда «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида» Қонун (2001 йил 30 августдаги 267-II-сон, бундан кейин – Қонун) ва бошқа миллий қонун ҳужжатларидан келиб чиқадиган кейинги барча босқичларни ўз ичига олади. **Иккинчи йўл** – Ўзбекистонда 2006 йил 27 декабрдан кучга кирган Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённома (Мадрид, 1989 йил 28 июнь)га мувофиқ амалга ошириладиган «халқаро таомил» бўйича белгини рўйхатдан ўтказиш. Ушбу таомилнинг афзаллиги шундаки, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг (ЖИМТ) Халқаро бюросига битта буюртманомаси бериб, буюртманомаси берувчи бир вақтнинг ўзида товар белгисини ўзи танлаган бир нечта давлат – битим иштирокчиларида рўйхатдан ўтказиш имкониятини олади\*.

\*Товар белгисини Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённомага мувофиқ рўйхатдан ўтказиш таомили тўғрисида кейинги материаллардан бирида батафсилроқ сўз юритилади.

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат    | Сана       | АҚШ доллари |         | Евро    |           | Россия рубли |          |
|-------------|------------|-------------|---------|---------|-----------|--------------|----------|
|             |            | бирлиги     | курс    | бирлиги | курс      | бирлиги      | курс     |
| Озарбайжон  | 15.04.2010 | 1           | 0,8034  | 1       | 1,0966    | 1            | 0,0277   |
| Арманистон  | 15.04.2010 | 1           | 394,89  | 1       | 535,83    | 1            | 13,61    |
| Беларусь    | 16.04.2010 | 1           | 2955,00 | 1       | 4017,03   | 1            | 102,14   |
| Грузия      | 15.04.2010 | 1           | 1,7592  | 1       | 2,3939    | 1            | 6,0569   |
| Қозоғистон  | 16.04.2010 | 1           | 146,58  | 1       | 198,92    | 1            | 5,05     |
| Қирғизистон | 16.04.2010 | 1           | 45,3246 | 1       | 60,7739   | 1            | 1,5481   |
| Латвия      | 16.04.2010 | 1           | 0,515   | 1       | 0,702804  | 1            | 0,0178   |
| Литва       | 16.04.2010 | 1           | 2,5335  | 1       | 3,4528    | 10           | 8,7579   |
| Молдова     | 15.04.2010 | 1           | 12,4669 | 1       | 16,9632   | 1            | 0,4296   |
| Тожикистон  | 16.04.2010 | 1           | 4,3683  | 1       | 5,8123    | 10           | 1,5186   |
| Ўзбекистон  | 13.04.2010 | 1           | 1560,01 | 1       | 2133,47   | 1            | 53,20    |
| Украина     | 15.04.2010 | 100         | 792,63  | 100     | 1079,1657 | 10           | 2,729    |
| Эстония     | 15.04.2010 | 1           | 11,529  | 1       | 15,6466   | 1            | 0,397251 |

Манба: [www.prime-tass.ru](http://www.prime-tass.ru)




## ФОЙДАЛАНАМАСЛИК МУДДАТИ ЧЕКЛАНГАН



Фирмамиз 3 йилдан буён товар белгиси эгасидир, бироқ бизга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра у билан маркировкаладиган товарни ишлаб чиқариш эндигина йўлга қўйилди. Марҳамат қилиб айтсангиз, товар белгисидан фойдаланмаслик ҳолати бирор-бир оқибатларга олиб келиши мумкинми? Зеро, агар адашмаётган бўлсак, товар белгисининг эгаси ундан фойдаланиш ёки фойдаланмаслигини ўзи ҳал қилади.

– Бир тарафдан, сиз, албатта, тамомила ҳақлисиз. Товар белгисининг эгаси бўлган шахс унга нисбатан барча мутлақ ҳуқуқларга эга ва белгидан ўз хоҳишига кўра фойдаланиши ҳамда уни тасарруф этиши, шу жумладан ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга бериши, ундан фойдаланиш ҳуқуқини шунчаки бериши ёки ҳатто товар белгисидан воз кечиши мумкин. Бироқ товар белгисидан фойдаланмаслик масаласи баъзи жиҳатларга эгаки, уларни белги эгасининг билиши зарур.

Энг муҳим жиҳат шундан иборатки, рўйхатдан ўтказиш санасидан бошлаб исталган 5 йил мобайнида товар белгисидан узлуксиз фойдаланилмаганда унга доир гувоҳноманинг амал қилиши муд-



датидан олдин тугатилиши мумкин. Мазкур меъёр Қонун 25-моддасининг учинчи қисмида белгиланган. Унга кўра товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси рўйхатдан ўтказилган санадан эътиборан исталган беш йил мобайнида ундан узлуксиз равишда фойдаланилмаганда, ҳар қандай манфаатдор шахснинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкин.

Кўриниб турибдики, амалдаги қонун ҳужжатлари белги эгасининг

ҳуқуқларини ҳеч ҳам чекламайди ва унинг олдига дарҳол товар белгисидан фойдаланишни бошлаш талабини қўймайди. У етарлича муддат тақдим этадики, бу даврда белги эгаси ўз ишлаб чиқаришини йўлга қўйиши, зарур ускуналарни харид қилиши, яъни уларга нисбатан белгидан фойдаланиладиган товарларни ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган барча ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Дарвоқе, бундай меъёр кўп мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида мавжуд. Чунончи, масалан, Россия Федерациясида ҳуқуқий муҳофаза қилиш муддатидан олдин тугатилиши мумкин бўлган фойдаланмаслик муддати товар белгиси рўйхатдан ўтказилганидан кейин исталган 3 йилни ташкил қилади.

Мазкур меъёрнинг аҳамияти анча катта. Айни у товар белгиларидан фуқаролик муомаласида жадал фойдаланишни рағбатлантириши керак ва рўйхатдан ўтказилган бўлса-да, ҳеч ҳам ишламайдиган, кўпинча ўхшаш (алмаштириб юбориш даражасига қадар ўхшаш) белгидан фойдаланиб, бошқа тadbиркорларга ўз фаолиятини амалга оширишда тўсқинлик қилувчи жуда кўп «ўлик» белгилар бўлишига йўл қўймаслик имконини беради. Республикамиз суд амалиётида бир қатор суд ишлари мавжудки, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича у ёки бу товар белгисига доир гувоҳнома ундан белги эгаси фойдаланмаганлиги туфайли ўзининг амал қилишини тугатган.

Албатта, ҳар бир вазият ўз хусусиятларига эга, баъзан товар белгисидан фойдаланишга объектив омиллар ҳам тўсқинлик қилиши мумкин. Буни ҳисобга олиб, Қонуннинг юқорида кўрсатилган моддаси

назарда тутадик, кўриб чиқилаётган ҳолатлар бўйича товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилишини муддатидан олдин тугатиш масаласини ҳал қилаётганда белги эгасининг ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ундан фойдаланмаганлиги далиллари ҳисобга олиниши мумкин. Бундай ҳолларда суд белги эгаси ҳақиқатан ҳам яқин вақт ичида ишлаб чиқаришга киришиш ниятида бўлганлигини тасдиқловчи далиллар: сертификатлар, лицензиялар, техник шартлар ишланмаси, ускуна сотиб олишга доир шартномаларни эътиборга олиши мумкин. Бунда шунинг ҳисобга олиш лозимки, товарни 5 йил мобайнида ишлаб чиқариш учунгина тайёрланиш мумкин эмас – сизга ишонмасликлари мумкин. Агар белги узрли сабабга кўра ишлатилмаган бўлса, товар белгисини рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган кўргазма ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш этиш вақтида ишлатиш ҳам товар белгисидан етарлича фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкин (Қонуннинг 27-моддаси).

Одатда, товар белгиси бир нечта ёки ҳатто бутун бир қатор товарлар учун рўйхатдан ўтказилишини таъкидлаш лозим. Бу ҳолда ундан фойдаланмаслик (ёки фойдаланиш) далили ҳар бир товар тури учун алоҳида исботланади. Масалан, агар товар белгиси «ёрмалар» ва «қандолат маҳсулотлари» товарлари учун рўйхатдан ўтказилиб, бироқ фақат қандолат маҳсулотларида фойдаланилса, гувоҳноманинг амал қилиши қисман тугатилиб, белгидан фойдаланилган товарларга нисбатан ўз кучини сақлаб қолади.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб, товар белгиларининг эгаларига улардан фаол фойдаланиб, қонун ҳужжатларида берилган барча ҳуқуқларни тўлиқ даражада амалга оширишни ва бу билан бозордаги ўз позицияларини мустаҳкамлашга имкон яратишини гина маслаҳат берамиз.

Светлана СИЛИВАНОВА,  
«Norma Hamkor» МЧЖ  
юрис-эксперти.

УШБУ  
СОНДА:

#### ✓ УСТУВОРЛИКЛАР

- Олий Мажлис Сенатида  
- Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси  
тўғрисида ахборот

1-бет

#### ✓ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК

- Товар белгисидан фаол фойдаланинг

- Валюталар курси  
✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Муассислар ишдан бўшатишга қарор

2-бет

#### қилишди

- Мукофот учун мукофот

- Код бошқа

✓ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

- Квалификацияладиган активларда

3-бет

қарзлар бўйича харажатлар

4-5-бетлар

✓ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ

- Ишончли дастак

✓ top

6-бет

7-8-бетлар



# МУАССИСЛАР ИШДАН БЎШАТИШГА ҚАРОР ҚИЛИШДИ

Бизнинг жамиятимиз ходимлари сонига кўра микрофирма ҳисобланади. Муассисларнинг қарори билан МЧЖ раҳбари (директори) алмаштирилди.

1. Жамият директорини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқни ким расмийлаштириши ва имзолаши керак?

2. Агар муассисларнинг бири директор қилиб тайинланса, бу қандай юз беради?

А. Санакулов.

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунга (2001 йил 6 декабрдаги 310-III-сон, бундан кейин – Қонун) мувофиқ жамият ижрочи органларини ташкил қилиш ва улар ваколатларини муддатидан олдин тугатиш жамият умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган. Яккабошчилик асосидаги ижрочи орган – директорни сайлаш, шунингдек унинг фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор муассисларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади. Бир иштирокчидан иборат бўлган жамиятда қарор иштирокчи томонидан яккабошчилик асосида қабул қилинади ва ёзма равишда ҳам расмийлаштирилади. Жамият ва директор вазифасини амалга оширувчи шахс ўртасидаги шартнома жамият номидан директор сайланган умумий йиғилишдаги расмий қилувчи шахс томонидан ёки жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан ваколат берилган жамият иштирокчиси томонидан тузилади ва имзоланади (Қонун 39-моддасининг иккинчи қисми). Шартномани бекор қилиш тўғрисида битим ҳам худди шу тартибда тузилади.

1. Меҳнат кодекси (МК)нинг 82-моддасига мувофиқ ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Корхона раҳбарини ишга қабул қилиш эса корхона мулки эгасининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни у бевосита, шунингдек ўзи вакил қилган органлар орқали ёки корхона бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа органлар орқали амалга оширади (МК 82-моддасининг иккинчи қисми). Мазкур ҳолда буйруқ жамиятнинг яккабошчилик асосидаги иштирокчиси ёки директор сайланган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида раислик қилган шахс ёхуд жамият



иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан ваколат берилган жамият иштирокчиси томонидан расмийлаштирилади ва имзоланади.

МКнинг 107-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади. Яъни буйруқ директор сайланган иштирокчилар умумий йиғилишининг раиси ёки умумий йиғилишнинг қарори билан вакил қилинган жамият иштирокчиси томонидан имзоланади.

2. Қонун 39-моддасининг биринчи қисмига кўра жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижрочи органи (директор) унинг иштирокчилари орасидан ёки ундан ташқаридан сайланиши мумкин. Биринчи ҳолда тайинлаш тартиби юқорида баён этилганга айнан ўхшаш бўлади. Бунда жамият иштирокчиси, директор функцияларини бажара бориб, ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини (иштирокчи сифатида жамият умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендлар олиш ва ҳоказо) йўқотмайди.



«Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, давлат мукофотлари («Ўзбекистон қаҳрамони» унвони, Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва Фахрий ёрлиғи) билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлардан фойдаланадилар ҳамда бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шу қийматдаги эсдалик совғасини оладилар.

«Ўзбекистон қаҳрамони» унвонини олганлик учун бир марта бериладиган пул мукофотининг миқдори ҳамда уни тўлаш тартиби ва механизми қандай? Бир марта бериладиган пул мукофотини тўлаш қандай манбалардан ва ким томонидан амалга оширилиши керак?

«Навоий ТЭС» ОАЖ.

## МУКОФОТ УЧУН МУКОФОТ

– Ҳақиқатан ҳам, «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонуннинг (1995 йил 22 декабрдаги 176-I-сон) 16-моддасида назарда тутилишича, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлардан фойдаланадилар ҳамда бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шу қийматдаги эсдалик совғасини оладилар. Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, мазкур унвон билан тақдирланган шахсларга «Олтин Юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат топширилади.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони тўғрисидаги низомда<sup>1</sup> белгиланишича, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона жасорат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлари учун берилади. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони айрим ҳоллардаги на Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам берилиши мумкин. Ана шу ҳужжатда айтилишича, ушбу унвон билан тақдирланган шахслар **ҳар ойда иш ҳақи ёки пенсияга энг кам иш ҳақининг миқдорига тенг бўлган устама оладилар**.

Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари билан мукофотланган шахсларга бирйўла тўланадиган пул мукофотларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг<sup>2</sup> (бундан кейин – 1505-сон Низом) 3-бандида турли орден ва медаллар билан тақдирланган шахсларга тўланадиган бир марта бериладиган

пул мукофотларининг аниқ миқдорлари келтирилган<sup>3</sup>. Бироқ унда «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирлаш ва «Олтин Юлдуз» медалини топшириш чоғида пул мукофотларининг миқдорлари келтирилмаган. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони тўғрисида низомдагидек, 1505-сон Низомда ҳам кўрсатилишича, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахслар ойлик иш ҳақига ёки пенсияга қўшимча равишда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида ой сайин тўланадиган устама мукофот оладилар.

Бироқ мазкур ҳужжатда медаллар билан тақдирлаш чоғида бир марта бериладиган пул мукофотини тўлашнинг умумий тартиби белгиланган. Чунотчи, медаллар билан (шу жумладан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилаётганда «Олтин Юлдуз» медали билан ҳам) мукофотланган шахсларга пул мукофотларини тўлаш билан боғлиқ барча харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади, Молия вазирлиги томонидан бюджетни тасдиқлаш пайтида режалаштирилади, мукофотлаш ҳақидаги фармонларнинг чиқишига қараб йил давомида аниқлаштирилади ва аниқ мақсадли ҳисобланади. Президентнинг мукофотлаш тўғрисида эълон қилинган Фармон нусхасини олгандан сўнг Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Молия бош бошқармаси 5 банк кунти давомида зарур маблағларни Халқ банкнинг туман бўлимига ҳисоблаб ўтказиши. Халқ банкнинг туман бўлими мукофотлаш ҳақидаги Президент Фармони нусхасини олгандан сўнг олувчининг номи ёзилган ҳисоб-китоб чекларини ёзиб

беришни амалга оширади ва уларни орденлар ва медаллар билан мукофотланган шахсларга топширишни ташкиллаштириш учун Президент Аппаратининг мукофотлар шўбасига қайтаради. Мукофотларни тўлаш олувчининг номи ёзилган ҳисоб-китоб чеклари бўйича Халқ банкнинг барча муассасалари томонидан қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Баъзи хулосаларни чиқарамиз.** «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонунда «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган шахсларга бир марталик пул мукофотини тўлаш ёки тенг қийматдаги эсдалик совғасини топшириш назарда тутилган. Бироқ «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони тўғрисида низомда ва пул мукофотларини тўлаш тартибини белгилайдиган 1505-сон Низомда кўрсатилган шахслар иш ҳақи ёки пенсияга **ҳар ойда** энг кам иш ҳақи миқдорида тенг бўлган **устама** олишларига белгиланган. «Ўзбекистон қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган шахсларга «Олтин Юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисида ҳужжат топширилади. Низомда медаллар билан тақдирлаш чоғида бир марталик пул мукофотини тўлаш тартиби белгиланган, бироқ унинг аниқ миқдори қайд этилмаган.

Юқорида айтилганлардан аён бўладики, қонун ҳужжатларида ушбу масала етарлича тартибга солинмаган. Шу сабабли «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган шахсларнинг бир марталик пул мукофоти олиш ҳуқуқига эгаллиги ёки эга эмаслиги, шунингдек унинг миқдори ва уни тўлаш тартиби ҳусусида аниқ жавоб бериб бўлмайди.

«Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига мувофиқлаштириш учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилишини тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, ушбу Қонунда уларга бир марталик пул мукофоти тўлаши назарда тутилган.

Жавобларни «Норма» МЧЖ юристи Мария ТУХТАРОВА тайёрлади.

## Юридик маслаҳатлар

## КОД БОШҚА



**Shreya layf sainsis farmatsevtika хорижий корхонаси мажбурий суғурта коэффицентини аниқлашда ёрдам беришингизни сўрайди. Корхонамиз ХХТУТ 71150 кодига эга. Биз фақат фармацевтика препаратлари (дори-дармонлар)нинг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланамиз. Фармацевтик лицензияга эгамиз. Биз ўзимизни 02-даража (74-сатр 0,857) коэффицентига кирамиз деб ҳисоблаймиз. Суғурта компанияси бизни 04-даража (122-сатр 1,429) коэффицентига киритади. Жавоб берсангиз, биз иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини қандай коэффицент бўйича суғурталашимиз керак?**


ХК бухгалтери.

– Сизнинг ҳолатингизда суғурта компанияси тилга олган коэффицентни қўллаш лозим. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларининг коэффицентлари иш берувчи томонидан амалга ошириладиган фаолият турларининг хавфлилик даражасига боғлиқ ҳолда белгиланади. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хавфлилик даражалари таснифига ва фаолият турларини муайян хавфлилик даражасига киритиш тартибига мувофиқ белгиланади (2009 йил 16 апрелда-

<sup>1</sup>Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари (Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган)нинг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифлари, уларнинг чекланган даражалари, тузилмаси ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суммасини аниқлашда уларнинг суғурталовчи томонидан қўлланилиши» 9-илласига қаранг.

ги «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида» УРҚ-210-сон Қонуннинг 8 ва 9-моддалари).

Қасбий хатар даражасини амалиётда белгилаш чоғида суғурта компаниялари ташкилотга берилган ХХТУТ кодига амал қилдилар, лекин қонунчиликда бу нарсаси тўғридан-тўғри кўрсатилмаган. Халқ хўжалиги тармоқларининг умумдавлат таснифомаси (ХХТУТ)да 71150 коди – бошқа улгуржи савдодир, яъни бирор-бир аниқ ихтисослаштириш кенг ассортиментдаги товарларнинг улгуржи савдоси. **Иш берувчи фаолият**



**турларининг хавфлилик даражалари таснифига** мувофиқ мазкур фаолият тури 04-даража (122-сатр)га киради, унинг учун **иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта тарифи коэффицентини 1,429** ни ташкил қилади<sup>1</sup>. Сизнинг ташкилотингиз сизга берилган ХХТУТ кодига мувофиқ улгуржи савдо ташкилоти ҳисобланади. Суғурта компанияси сиз талаб қилаётган коэффицентдан фойдаланиши учун ташкилотингиз ХХТУТ 71212 кодига – дорихона муассасалари – эга бўлиши керак.

Елена ЕРМОХИНА,  
«Норма» МЧЖ эксперт-юристи.



# КВАЛИФИКАЦИЯЛАНДИГАН АКТИВЛАРДА ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР

Қарзлар бўйича харажатлар ҳисобининг услубияти ва уларни капитализация қилиш қоидалари молия вазирининг АВ томонидан 2009 йил 18 августда 1996-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган 24-сон БХМСда белгиланган.

Бевосита квалификацияланадиган активни харид қилиш, қуриш ёки ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган қарзлар бўйича харажатлар ушбу актив таннарига киритиш йўли билан капитализация қилиниши керак. Уларни киритиш учун бир вақтнинг ўзида иккита шартга риоя қилиниши керак:

корхона келгусида иқтисодий нафлар олиши лозим; харажатлар пухталики билан ўлчаниши мумкин.

Келгусида нафлар олишга активдан ўз эҳтиёжлари учун ёки уни сотиш учун фойдаланиш билан эришиш мумкин.

Харажатларни пухталики билан ўлчаш уларнинг ҳаққоний баҳоланишини аниқлатади. Бу аввало харажатлар ҳисоб-китобида хато ва ноаниқликларнинг йўқлигини, уларни эътироф этиш учун асосларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади.

Квалификацияланган актив – белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш ёки сотиш учун тайёрлаш албатта салмоқли вақтни талаб қиладиган актив. Ушбу вақт доирасини квалификацияланадиган активни эътироф этиш мақсадида корхона мустақил равишда белгилайди.

Харид қилинаётган асосий воситалар объектларининг ҳаммаси ҳам квалификацияланадиган активларга киритилмавермайди. Мақсади бўйича фойдаланишга ёки сотишга тайёр асосий воситалар объектлари уларни харид қилишда ана шундай активларга киритилмайди. Масалан, компьютерлар, принтерлар ва бошқа ташкилий техника (агар, корхонанинг ҳисоб-китобига кўра, улар асосий воситалар объектлари деб эътироф этилса) квалификацияланадиган активлар деб ҳисобланмайди. Бинолар, иншоотлар, электр станциялар, инвестициявий кўчмас мулк ва ҳоказолар шундай активлар бўла олади.

Ер участкаси, 24-сон БХМСга кўра, квалификацияланадиган актив ҳисобланмайди. Бироқ агар унда бирор-бир ер тузиш ишлари юритилса, қарзлар бўйича харажатларни қуйидаги шартларда ер участкаси қийматига киритиш мумкин:

ер тузиш ишларини ўтказиш натижасида корхона ер участкасидан фойдаланиш ёки уни реализация қилиш чоғида даромад олса;

ўтказилаётган ишларнинг қийматини баҳолаш мумкин бўлса.

Агар ер участкаси харид қилинган ва бинолар ёки иншоотларни қуриш учун ер тузиш ишлари ўтказилаётган бўлса, қарзлар бўйича харажатлар қурилаётган объектлар қийматига киритилади (ер участкасининг қийматига эмас).

Қарз олаётганда корхона фоиз ёки бошқа харажатлар қилади. Уларга қуйидагилар киритилиши мумкин:

банклар ва кредит ташкилотларидан олинган қисқа муддатли ва узок муддатли қарзлар бўйича фоизлар;

қарзлар билан боғлиқ бўлган дисконтлар (чегирмалар) ёки мукофотлар (устамалар), шу жумладан, облигацияга тегишли дисконтлар (чегирмалар) ёки мукофотларнинг (устамаларнинг) ҳисобдан чиқарилиши;

6-сон БХМС «Ижара ҳисоби»га\* мувофиқ бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган молиявий ижара ва/ёки лизингга тааллуқли бўлган тўловлар.

Кредитлар ва қарзлар бўйича фоизлар қарз бўйича мажбуриятлар вужудга келган ва мавжуд бўлган ҳисобот даврида, улар кредит (қарз) шартлари бўйича маблағларни қарзга берган қарз берувчига қайси даврда тўланиши кераклигидан қатъи назар, эътироф этилиши керак. Ҳисобот даврида эътироф этиладиган (ҳисоблаб ёзиладиган) фоизлар суммаси (ФС) қуйидаги формулага кўра аниқланади:

$ФС = (M \times K \times KС) / (ФД \times 100),$   
бу ерда:

**М** – у билан тўлаш шартларида қарз маблағлари берилган фоиз меъёри;

**К** – мазкур ҳисобот даврида қарз маблағларидан фойдаланилган кунлар сони;

**КС** – фоизлар ҳисоблаб ёзиладиган мазкур ҳисобот даврида қарз (ссуда) бўйича мажбуриятлар суммаси;

**ФД** – белгиланган фоиз меъёри мўлжалланган давр. Одатда у бир йилга белгиланади, масалан, йиллик 14%. Бироқ чорак, ой ёки йилдан кам бўлган бошқа давр учун ҳисоб-китобдан фоизлар меъёрлари ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, бир ой учун меъёр 1%.

**МИСОЛ.** 12 сентябрда корхона банкдан бир ой муддатга йиллик 28% ҳисобидан 300 000 минг сўм кредит олди. Фоизлар муддат охирида қарз суммасини қайтарган ҳолда тўланади.

30 сентябрда (молия ҳисоботида – 1 октябрда) тугайдиган давр учун баланс ҳисоботида сентябрда 13-30 сентябрь даври учун фоизлар суммасини ҳисоблаб ёзиш ва

уни харажат сифатида эътироф этиш лозим. Кредит олинган кун (12 сентябрь) ҳисоб-китобда ҳисобга олинмайди:

$(28 \times 18 \times 300\,000) / (365 \times 100) = 4\,142$  минг сўм.

4 142 минг сўм фоизлар суммасини сентябрда харажатга ёзиб, фоизлар бўйича мажбурият сифатида акс эттириш керак (6920-«Ҳисобланган фоизлар» ҳисобварағи).

Квалификацияланадиган активни харид қилиш, қуриш ёки ишлаб чиқариш учун олинган қарзлар (мақсадли қарзлар ёки кредитлар) бўйича харажатлар давр мобайнида ушбу қарз бўйича қилинган амалдаги харажатлар бўйича, ушбу қарз маблағларини вақтинчалик инвестициялашдан олинган ҳар қандай инвестицияли даромадни чегирган ҳолда, белгиланади.

**МИСОЛ.** Цех қурилишини молиялаш учун корхона 100 млн сўмлик облигациялар чиқарди. Уларни жойлаштиришдан келиб тушган маблағларнинг бир қисми банкка қисқа муддатли депозит кўринишида қўйилган. Омонат бўйича фоизлар 2,5 млн сўмни, қарз бўйича харажатлар 16 млн сўмни ташкил қилди.

Олиниши керак бўлган фоизлар суммасига (2,5 млн сўм) камайган қарз бўйича харажатлар суммаси 13,5 млн сўмни ташкил қилади, улар капитализация қилинади, яъни қурилаётган цехнинг қийматига киритилади.

Агар лойиҳалар бир нечта бўлса ва қарз маблағларидан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланилса, капитализация қилиш учун рухсат берилган қарзлар бўйича харажатлар ҳисоб-китоби капитализация қилиш ставкасини ҳар бир квалификацияланадиган актив бўйича харажатларга кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ушбу ҳолда капитализация қилиш ставкаси бўлиб давр мобайнида узилмасдан қоладиган кредитлар ва қарзлар бўйича ўртача олинган ставка ҳисобланади, бундан муайян квалификацияланадиган активни харид қилиш ёки ишлаб чиқариш (қуриш) учун махсус олинган мақсадли кредитлар ва қарзлар мустасно. У қуйидагича аниқланади:

давр учун қарзлар бўйича харажатлар суммаси  
давр учун барча қарзлар (мақсадлиларидан ташқари)  
ўртача баланс қийматларининг суммаси

**МИСОЛ.** Йил мобайнида корхона бир вақтнинг ўзида ўз эҳтиёжлари учун ускуналар ишлаб чиқариш бўйича бир нечта лойиҳани амалга оширди. Молиялаш қарз маблағларининг уч манбаидан амалга оширилди:

| Қарз маблағларининг манбалари | Тўланмаган қарз (давр учун ўртача) (минг сўм) | Кредит бўйича харажатлар (минг сўм) |
|-------------------------------|-----------------------------------------------|-------------------------------------|
| 5 йилга кредит                | 1 800                                         | 200                                 |
| 7 йилга кредит                | 3 800                                         | 410                                 |
| Банкдаги овердрафт            | 500                                           | 50                                  |
| <b>Жами</b>                   | <b>6 100</b>                                  | <b>660</b>                          |

Фоиз харажатларини капитализация қилишнинг ўртача ставкаси 10,8%ни ташкил қилади  $((200\,000 + 410\,000 + 50\,000) / (1\,800\,000 + 3\,800\,000 + 500\,000) \times 100)$ .

Қарзлар билан боғлиқ вазиятларга боғлиқ ҳолда капитализация қилинадиган фоизлар ҳисоб-китоби тартиби қуйидагича бўлади:

|                | Бир лойиҳа                                                                                                                       | Бир нечта лойиҳа                                                                                                                                                     |
|----------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Бир қарз       |                                                                                                                                  |                                                                                                                                                                      |
| Мақсадли       | Капитализация қилиш даври мобайнида ушбу қарз бўйича қилинган амалдаги харажатлар                                                | Ҳар бир лойиҳа бўйича фойдаланилган қарзларнинг салмоғи бўйича ҳисоблаб чиқарилган харажатлар                                                                        |
| Мақсадли эмас  | Активга доир харажатларга капитализация қилишнинг ўртача ставкасини қўллаш йўли билан ҳисоблаб чиқарилган қарз бўйича харажатлар | Ҳар бир активга доир харажатларга капитализация қилишнинг ўртача ставкасини қўллаш йўли билан ҳисоблаб чиқарилган қарз бўйича харажатлар                             |
| Бир нечта қарз |                                                                                                                                  |                                                                                                                                                                      |
| Мақсадли       | Капитализация қилиш даври мобайнида ушбу қарз бўйича қилинган амалдаги харажатлар                                                | Ҳар бир лойиҳа бўйича фойдаланилган қарзларнинг салмоғи бўйича ҳисоблаб чиқарилган харажатлар                                                                        |
| Мақсадли эмас  | Активга доир харажатларга капитализация қилишнинг ўртача ставкасини қўллаш йўли билан ҳисоблаб чиқарилган қарз бўйича харажатлар | Ҳар бир активга доир харажатларга (ўртача баланс қийматидаги) капитализация қилишнинг ўртача ставкасини қўллаш йўли билан ҳисоблаб чиқарилган қарз бўйича харажатлар |

**МИСОЛЛАР.** Пудрат усулида цех қурилишини молиялаш учун корхона йиллик 20% ҳисобидан 1 350 000 минг сўм суммасида мақсадли кредит (январь-декабрь муддатига) олди. Кредит бўйича амалдаги харажатлар 270 000 минг сўмни ташкил қилди. Ушбу харажатлар капитализация қилиниши керак. Тегишинча, кредит бўйича харажатларни ҳисобга олганда цехнинг қиймати 1 620 000 минг сўмни ташкил қилади.

Корхона банкдан йиллик 20% ҳисобидан 675 000 минг сўм кредит ва йиллик 12% ҳисобидан 675 000 минг сўм қарз олди. Банк кредити 1 йилга (январь-декабрь) расмийлаштирилган. Шартномага кўра унга доир тўловлар йил охирида бир тўлов билан амалга оширилади. Қарз 2 йилга (январь-декабрь) берилган, унга доир тўловлар ҳар бир йил охирида амалга оширилади, шу жумладан қарз қолдиғи суммасидан келиб чиқиб, асосий қарз ва фоизлар тенг маромда узилади. Жалб этилган барча қарзлардан қурилишда фойдаланилган.

Харажатларни капитализация қилиш мақсадида капитализация қилишнинг ўртача ставкаси белгиланади. Биринчи йил охиридаги маълумотларга кўра корхонанинг мажбуриятлари қуйидагича бўлади:

| Қарз мажбуриятларининг турлари | Қарз мажбуриятларининг (тўланмаган) суммаси (минг сўм) | Қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар (минг сўм) |
|--------------------------------|--------------------------------------------------------|----------------------------------------------|
| Банк кредити (20%)             | 675 000                                                | 135 000                                      |
| Қарз (12%)                     | 675 000                                                | 81 000                                       |
| <b>Жами</b>                    | <b>1 350 000</b>                                       | <b>216 000</b>                               |

Капитализация қилишнинг ўртача ставкаси фоизлар умумий суммасининг қарз мажбуриятларининг умумий суммасига нисбати сифатида белгиланади ва 16%ни  $(216\,000 / 1\,350\,000 \times 100)$  ташкил қилади.

Қарз бўйича харажатлар 216 000 минг сўмни  $(1\,350\,000 \times 16 / 100)$  ташкил қилади. Улар қурилишнинг биринчи йилида капитализация қилиниши керак.

Иккинчи йил охирида қарзга доир мажбуриятлар ва харажатлар бўйича маълумотлар қуйидагича бўлади:

| Қарз мажбуриятларининг турлари | Қарз мажбуриятларининг (тўланмаган) суммаси (минг сўм) | Қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар (минг сўм) |
|--------------------------------|--------------------------------------------------------|----------------------------------------------|
| Қарз                           | 337 500                                                | 40 500                                       |
| <b>Жами</b>                    | <b>337 500</b>                                         | <b>40 500</b>                                |

Шу тариқа, икки йил ичида 256 500 минг сўм  $(216\,000 + 40\,500)$  қарзлар бўйича харажатлар капитализация қилинади.

Корхона йиллик 20% ҳисобидан (январь-декабрь муддатига) 120 000 минг сўм мақсадли кредит олди. Кредитнинг бир қисми (унинг суммасининг 25%и – 30 000 минг сўм) цех қурилишига, қолган қисми (75% – 90 000 минг сўм) қурилиш давомида ўнатиш ва монтаж қилишни талаб этадиган технологик линияни харид қилишга ишлатилди. Кредит бўйича харажатлар ҳисобот даврида 24 000 минг сўмни ташкил қилди.

Цех қийматига 6 000 минг сўм  $(24\,000 \times 25 / 100)$  миқдориди, линия қийматига эса 18 000 минг сўм  $(24\,000 \times 75 / 100)$  миқдориди кредит бўйича харажатлар киритилади.

Корхона йиллик 20% ҳисобидан (январь-декабрьга) 120 000 минг сўм кредит ва 30 000 минг сўм (январь-декабрьга) фоизсиз қарз олди. Банк кредити 1 йилга олиниб, йил охирида асосий қарз ва фоизлар тўланади. Қарз ҳам 1 йилга берилиб, йил охирида қарз тўланади. Қурилиш 5 январда бошланган.

Харажатларни капитализация қилиш мақсадида капитализация қилишнинг ўртача ставкаси белгиланади. Йил охиридаги маълумотлар бўйича корхонанинг мажбуриятлари қуйидагича бўлади:

| Қарз мажбуриятларининг турлари | Қарз мажбуриятларининг асосий суммаси (минг сўм) | Қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар (минг сўм) |
|--------------------------------|--------------------------------------------------|----------------------------------------------|
| Банк кредити (20%)             | 120 000                                          | 24 000                                       |
| Қарз                           | 30 000                                           | -                                            |
| <b>Жами</b>                    | <b>150 000</b>                                   | <b>24 000</b>                                |

Капитализация қилинадиган харажатларнинг ҳисоб-китоби учун фоизнинг ўртача ставкаси 16%ни  $(24\,000 / 150\,000 \times 100)$  ташкил қилади. Капитализация қилинадиган харажатлар 24 000 минг сўмни  $(150\,000 \times 16 / 100)$  ташкил қилади.

Давр мобайнида капитализация қилинган қарзлар бўйича харажатлар суммаси ушбу давр мобайнида қилинган қарзлар бўйича харажатлар суммасидан ошмаслиги керак.

\*Молия вазирининг АВ томонидан 2009 йил 24 апрелда 1946-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.



**МИСОЛ.** Корхона қарзлар бўйича капитализация қилинадиган харажатларнинг ҳисоб-китоби учун зарур бўлган қуйидаги кўрсаткичларга эга.

| Кўрсаткичлар                                                                                                    | минг сўм |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------|
| Ҳисобот даври мобайнида узилмаган қарзларнинг умумий суммаси                                                    | 15 800   |
| Шу жумладан квалификацияланадиган активларни молиялаш учун қарзлар суммаси                                      | 2 900    |
| Ҳисобот даврида қарзлар бўйича харажатларнинг умумий суммаси                                                    | 2 844    |
| Шу жумладан квалификацияланадиган активларни молиялаш учун қарзлар бўйича харажатлар суммаси                    | 464      |
| Квалификацияланадиган активларни молиялашга қарз маблағлари сарфланди                                           | 12 640   |
| Шу жумладан умумий мақсадларга олинган қарз маблағлари ҳисобига молияланган                                     | 2 907    |
| Умумий тусдаги қарзлар бўйича харажатларнинг ўртача ҳисобланган ставкаси (2 844 - 464) / (15 800 - 2 900) x 100 | 18%      |
| Ҳисобот даврида капитализация қилинадиган қарзлар бўйича харажатлар суммаси 464 + (12 640 - 2 900) x 18 / 100   | 2 217,2  |

Мазкур ҳисобот даврида қарзлар бўйича харажатларнинг капитализация қилинган суммаси худди шу давр учун қарзлар бўйича харажатларнинг умумий суммасидан ошмайди (2 844 суммаси 2 217,2 дан катта).

Квалификация қилинадиган активнинг баланс қиймати ёки тахмин қилинаётган узил-кесил таннархи жорий қийматдан ёхуд реализация қилишнинг эҳтимолий соф қийматидан ошса, унинг баланс қиймати қисман ёки тўлалигича бухгалтерия ҳисоби бўйича қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилади: жорий қийматдан ёки реализация қилишнинг соф қийматидан ошган қисмида қарзлар бўйича харажатлар суммаси харажатларга киритилади.

**МИСОЛ.** Корхона ускуна – квалификацияланадиган активга эга, уни 25 000 минг сўмга реализация қилиш мумкин. Ускунанинг баланс қиймати 24 000 минг сўмни ташкил қилди. 2 000 минг сўм давр учун қарзлар бўйича харажатлар мазкур ускунага тааллуқлидир.

2 000 минг сўм капитализация қилиниши керак.

| Ҳўжалик операцияларнинг мазмуни                                            | Сумма (минг сўм) | 21-сон БҲМС** бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси |                              |
|----------------------------------------------------------------------------|------------------|------------------------------------------------------|------------------------------|
|                                                                            |                  | дебет                                                | кредит                       |
| Ускунани ишлаб чиқариш бўйича корхонанинг харажатлари акс эттирилди        | 24 000           | 2010                                                 | 1000, 6520, 6710 ва бошқалар |
| Қарзлар бўйича харажатларнинг бир қисми актив қийматига ҳисобдан чиқарилди | 2 000            | 2010                                                 | 6920                         |
| Зарар ҳисобдан чиқарилди                                                   | 1 000            | 9430                                                 | 2010                         |

Илгари амалга оширилган, квалификацияланган актив қийматини қисман ҳисобдан чиқаришнинг миқдори белгиланган тартибда тикланиши (қўшимча баҳоланиши) мумкин.

**МИСОЛ.** Корхона кейинчалик сотиш мақсадида стандартлаштирилмаган ускуналар ишлаб чиқаради. Худди шундай турдаги ускуналарнинг қийматини анчагина пасайтириш муносабати билан корхона 12 000 минг сўм суммасида кредит бўйича харажатларнинг бир қисmini молиявий харажатларга ҳисобдан чиқарди. Бир йилдан кейин бозордаги вазият ўзгарди ва худди шундай турдаги ускуналарнинг қиймати 15-20%га ошди, бу эса сумма эквивалентида 22 000 минг сўмга тенгдир.

Корхона ускуна қийматини илгари харажатларга ҳисобдан чиқарилган қарзлар бўйича харажатлар суммасига қўшимча баҳолаши, яъни 12 000 минг сўмни ускуна қийматига киритиши мумкин.

| Ҳўжалик операцияларнинг мазмуни                                                                                            | Сумма (минг сўм) | 21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси |        |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------|----------------------------------------------------|--------|
|                                                                                                                            |                  | дебет                                              | кредит |
| Илгари харажатларга ҳисобдан чиқарилган қарзлар бўйича харажатлар суммасига ускуна қўшимча баҳолаш (тиклаш) акс эттирилади | 12 000           | 2010                                               | 9390   |

Қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилиш бир вақтда илк маротаба қуйидаги шартлар бажариладиган санадан бошланади:

- мазкур актив бўйича харажатлар юзага келди;
- қарзлар бўйича харажатлар юзага келди;
- активни мақсади бўйича фойдаланишга ёки сотиш учун тайёрлаш фаолияти амалга оширилади.

\*\*Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби сўтлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома, молия вазирининг АВ томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

\*\*\*МВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 3 декабрда 562-сон билан рўйхатдан ўтказилган.



Квалификацияланадиган активга доир харажатлар фақат пул тўловлари, бошқа активларни ўтказиш ёки фоииз мажбуриятларини қабул қилишда ифодаланадиган харажатларнигина ўз ичига олади. Улар 10-сон БҲМС «Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдамни очиб бериш» да\*\*\* назарда тутилган тартибда, мазкур актив муносабати билан олинган ҳар қандай оралиқ тўловлар ва субсидиялар миқдорига камайтирилади.

Активни ундан мақсадига кўра фойдаланиш ёки сотишга тайёрлаш учун зарур бўлган фаолият уни жисман яратишни ўз ичига олибгина қолмайди. У активни жисман яратишни бошлашдан аввал техник ва маъмурий ишни бажариш билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, қурилишни бошлаш учун зарур рухсатномаларни олиш.

Ишлаб чиқариш ёки модификациялаш бўйича ишлар мавжуд бўлмаганида активга шунчаки эгалик қилиш уни фойдаланиш ёки сотишга тайёрлаш бўйича фаолият ҳисобланмайди. Масалан, кейинроқ қурилиш учун харид қилинган ер унда бирор-бир тайёргарлик ишлари қилинмасдан эгаликда бўлган даврда қарзлар бўйича харажатлар капитализация қилинмайди. Қурилиш учун ер тузиш ишлари ўтказилган вақт учун қарзлар бўйича харажатлар эса уларни амалга ошириш даври мобайнида капитализация қилиниши керак.

Квалификацияланган активни қуриш, ишлаб чиқариш бўйича фаол фаолият узоқ муддат тўхтатилганда қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилиш тўхта-тилади.

**МИСОЛ.** Ҳисобот даврида объект қурилиши йилнинг дастлабки 5 ойи мобайнида юритилмаган. У июнь бошларида янгидан бошланди ва ноябрь охирида тугалланди. Объектнинг ўртача баланс қиймати жорий йил учун қарзлар бўйича харажатларни киритишга қадар 100 000 минг сўмни ташкил қилди. Қурилиш асосан қарз маблағлари ҳисобига молияланди.

Қурилиш ва ишлаб чиқиш амалга оширилмайдиган даврларда қарзлар бўйича харажатлар капитализация қилинмаслиги керак. Актив фойдаланишга тайёр бўлганида, ижарачи ҳали топилмаганига қарамай, қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилиш тугатилиши керак. Яъни жорий ҳисобот йилида дастлабки 5 ва охириги ойларида қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилиш тақиқланган.

Активга ўртача инвестициялар ҳисоб-китоби учун, агар квалификацияланадиган активларни молиялаш учун махсус қарзга олинган маблағлар эмас, балки умумий маблағлардан фойдаланилса, махсус қарз маблағларини ҳисобга олмасдан ўртача ҳисобланган капитал қийматидан фойдаланиш зарур. Корхона капиталининг ўртача ҳисобланган қиймати 9% (барча қарз маблағларини ҳисобга олган ҳолда) ва 8%ни (махсус олинган қарзларни ҳисобга олмасдан) ташкил этади. Яъни капитал қийматининг ҳисоб-китоби учун 8% қўлланилади.

Капитализация қилинадиган сумма 4 000 минг сўмни (100 000 x 8 / 100 x 6 / 12) ташкил қилади.

Бироқ агар вақтинча тўхтатиб туриш активни мақсади бўйича ёки сотиш учун фойдаланишга тайёрлаш жараёнининг зарур қисми ҳисобланса, капитализация қилиш тўхтатилмайди.

Қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилиш квалификацияланадиган активни фойдаланишга ёки сотиш учун тайёрлаш ишлари тугалланганда тўхтатилади. Уни жисман барпо этиш тугалланса, ҳатто агар объектда ҳали маъмурий иш юритилмаётган бўлса ҳам, актив мақсади бўйича ёки сотиш учун фойдаланишга тайёр деб ҳисобланади.

Агар квалификацияланадиган активни барпо этиш қисмлар бўйича тугалланган ва уларнинг ҳар биридан бошқа қисмларни барпо этиш давом этаётган вақтда фойдаланиш мумкин бўлса, қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилиш активнинг мазкур қисmini мақсад бўйича фойдаланишга ёки сотишга тайёрлаш учун зарур барча иш асосан якунланганда тугатилиши керак.

**Ҳамза ТУХСАНОВ,**  
**Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубияти бошқармаси бошлигининг ўринбосари.**

## Хорижда

### СОЛИҚ НИЗОЛАРИ КОНЦЕПЦИЯСИ

**РФ Олий арбитраж суди раиси ОАС таклиф этаётган солиқ жараёнларини ислоҳ қилиш йўналишларини эълон қилди. У киритган таклифлар қаторидан барча солиқ тўловчилар (ташкilotлар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, жисмоний шахслар) учун солиқ органлари томонидан солиқларни ундиришнинг ягона тартибини ўрнатиш; арбитраж суд тизими доирасида фақат солиқ низоларини кўриб чиқадиған судларни (ёки доимий суд иштирокини) барпо қилиш; барча солиққа оид низоларни арбитраж судлари зиммасига ўтказиш кабилар жой олган.**

Арбитраж тизимининг катта иш кўламини, шу жумладан солиқ низоларини камайтириш учун қуйидаги чора-тадбирлар мажмуи таклиф этилмоқда:

оғзаки тарзда ўтказиладиган оммавий суд муҳокама-сисиз мажбурий соддалаштирилган ёзма жараёни жорий қилиш (даъво қиймати 100 000 рублгача бўлган ишлар бўйича). Мазкур ҳолатда мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги, солиққа оид тўловларни ундиришга доир, солиқ органларининг боқимондаларни ундириш тўғрисидаги ҳужжатларини муҳокама этиш ҳақидаги низолар назарда тутилган. Ёзма жараён томонларнинг талаб ва эътирозларини ўз ичига олган беллашувчи қогоз ҳужжатларини ўзаро алмаштиришдан иборатдир. Бу эса унчалик муҳим бўлмаган ишларни кўриб чиқиш учун кетадиган вақт ва моддий харажатларни анча қисқартириши лозим;

боқимондаларни, солиққа оид низолар бўйича жарима ва пеняларни суд тартибда ундиришдан бутунлай воз кечиш. Судда солиқ органлари/бошқа ваколатли органларнинг тўловчининг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулки ҳисобидан тўловларни ундириш тўғрисидаги ҳужжатларини низолашиш бўйича ишларинигина кўриб чиқиш лозим.

### ФСХ – ИНТЕРНЕТДА ЕТАКЧИ

**Rambler Интернет-компанияси ҳисобот тақдим этди, унга кўра Федерал солиқ хизматининг расмий сайти (www.nalog.ru) Россиядаги барча давлат Интернет-ресурслари орасида иштирок этиш бўйича етакчи ҳисобланади.**

Сўнги пайтларда тадқиқотчининг фикрича, Россия вазирликлари ва идораларининг сайтлари сўрови сони уч бараварга қисқарди. Энг оммавий сўровлардан бири «хукумат» саналади, бироқ унинг частотаси ҳам 28% га қисқарди. Бундан ташқари, турли вазирликларнинг сўровлари миқдори тахминан 33,7% га камайган, фойдаланувчиларнинг турли идораларга бўлган талаби атиги 0,03%ни ташкил қилган. Бу эса ўтган йилги миқдорга нисбатан тахминан 33,6% га кам.

**Хорижий матбуот материалларидан.**

### БОЖХОНА ИТТИФОҚИ КОДЕКСИ

**Россия, Беларусь ва Қозоғистон Божхона иттифоқи (БИ)нинг Божхона кодекси графикка кўра 2010 йилда тайёр бўлиши лозим. Бу ҳақда Беларусь Миллий йиғинининг Халқаро ишлар ва МДХ билан алоқалар бўйича вакиллари палатаси томонидан Минскда ташкил этилган брифингда маълум қилинди.**

Божхона иттифоқининг барча мамлакатларида бу борада ишлар олиб борилмоқда. Халқаро ишлар ва МДХ билан алоқалар бўйича парламент комиссияси томонидан Евросиё ИХ мамлакатлари иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим бўлган, Россия, Беларусь ва Қозоғистон Божхона иттифоқида божхона тарифлари ва техник бошқарув масалаларига оид битимларни ратификация қилиш ҳақидаги 13 та қонун лойиҳаси кўриб чиқилади. Ўтган йилнинг октябрида Минскда Евросиё ИХ Парламент ассамблеясининг уч комиссияси: божхона ва чегара сиёсати комиссияси, қишлоқ хўжалиги комиссияси, шунингдек савдо сиёсати ва халқаро ҳамкорлик комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

### КОНТРАБАНДАГА БОЖ

**Беларусь 9 ой муддатга автомобилларни олиб киришга божхона божининг оширилган ставкаларини белгилади.**

Аввал белгиланган 35% ўрнига янги юк машиналарига, “Евро-3” русумидаги эгарли тиркамаларни ҳисобга олганда, улар 25% ва 50%га тенг, бироқ илгари фойдаланилган автомобилларга двигатель ҳажмининг 1 куб. см учун 2,2 евродан кам эмас. Янги божларнинг ўртача даражаси уч баравардан ортиққа оширилган. Янги “Евро-4” русумидаги эгарли тиркамаларга ва “Евро-4”/“Евро-5” русумидаги янги юк автомобилларига ставкалар тегишинча 5% ва 25% га тенг.

Божхона органларининг баҳолашича, Беларусдаги нисбатан паст божлар Россия-Беларусь чегарасида божхона тартибга солиши мавжуд бўлмаганлиги шароитида шундай натижаларга олиб келди, масалан, юқорида айтиб ўтилган русумдаги машиналарни Беларусь орқали РФга контрабанда йўли билан олиб киришлар ҳажми 18-20%га ўсган. Янги божлар бу оқимни 20-30%га қисқартиши кутилмоқда. Лекин бу машиналар айрим баҳолашларга қараганда, 15-17%га қимматлашади.

**Интернет тармоғи материаллари бўйича.**



## Нуктаи назар


**Иқтисодий жиноятни малакали тарзда очиш ва тергов қилиш, шунингдек унга доир одил суд ҳукмини чиқариш махсус иқтисодий билимларни талаб этади. Бу айни вақтда ушбу жараёнлар тўлиқ ва объектив бўлишининг муҳим шартларидан биридир. Мазкур мақсадларга эришишда далилларни олишнинг ғоятда муҳим воситаси – суд-иқтисодий экспертизага жуда салмоқли ўрин ажратилади. Унинг илмий асосланган хулосалари тергов ва судга жиноий, хўжалик ва фуқаролик ишларини ҳар томонлама ҳамда тўлиқ тергов қилиш ва кўриб чиқишда ёрдам беради.**

**Суд-иқтисодий экспертизанинг аҳамияти эксперт хулосаси судда далил ҳисобланиши билан белгиланади. Унинг асосида ва бошқа далиллар билан жамлиқда айбланувчининг ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этишда айбдорлиги ёки айбсиз эканлиги белгиланиши, уни жавобгарликка тортиш ва жазолаш чорасини танлаш масаласи ҳал этилиши мумкин.**

ХОЗИРГИ жиноий, хўжалик ва фуқаролик суд жараёнларида иқтисодий эксперт тадқиқотларининг аҳамияти шунчалик каттаки, судья, терговчи ва прокурорнинг малака даражаси кўп даражада исботлаш ва ҳақиқатни аниқлашнинг ушбу воситасидан фойдаланиш маҳорати билан белгиланади, деб ишонч билан қайд этиш мумкин.

Бошқа ҳар қандай экспертизада бўлганидек, иқтисодий экспертизани тайинлаш асоси тўғрисидаги масала ҳам процессуал қонунчилик талабларидан келиб чиқиб ҳал этилади. Иш учун аҳамиятли ҳолатларни белгилаш учун махсус билимлардан фойдаланиш зарурлиги ана шундай асос ҳисобланади.

Гарчи Жиноят процессуал кодекси (ЖПК)нинг 173-моддаси текширувни олиб боришда иқтисодий (шу жумладан бухгалтерия) экспертизани мажбурий экспертизалар сирасига киритмаса-да, суд-тергов ва эксперт амалиётдан келиб чиққанда



иқтисодий жиноятлар билан боғлиқ деярли ҳар бир иш бўйича махсус иқтисодий таҳлил ўтказишга объектив зарурат юзага келади. Уни ўтказишдан бўйин товлаш эса, фикримизча, аввал-бошдан иш ҳолатларини тўлиқ текширмаслик қасд қилишга тенгдир.

Жиноят процессуал қонунчилиги махсус тадқиқотлар воситасида далиллар олишнинг фақат битта шаклини тан олади, бу – суд экспертизаси. Ҳатто йиғмажилдда тафтишлар, аудиторлик текширувларининг далолатномалари мавжуд бўлса-да, уни ўтказишни рад этишни тўғри деб ҳисоблаб бўлмайди. ЖПКнинг 172-моддасига мувофиқ йиғмажилдда идоравий текширув хулосаси, тафтиш ҳужжатлари, мутахассислар маслаҳатининг мавжудлиги суд-иқтисодий экспертиза ўтказиш заруратини истисно этмайди. Экспертнинг ушбу тоифадаги ишлар бўйича хулосаларида кўпинча текширувчилар томонидан белгиланган моддий зарар миқдорига «тузатишлар» киритилиши иқтисодий жиноятларни тергов қилишда уни тайинлашнинг мақсадга мувофиқлигига яна бир салмоқли асос-далил бўла олади.

Тергов ва суд топшириғи бўйича ўтказиладиган тафтишни ҳуқуқий тартибга

# ИШОНЧЛИ ДАСТАК

## ёки суд-иқтисодий экспертизани тайинлашнинг баъзи масалалари тўғрисида

солишнинг етарли эмаслиги уни ташкил этишга салбий таъсир кўрсатади, терговни мураккаблаштиради ва уни ўтказишни чўзиб юборади. Жиноят процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодекслари тафтишчини суд жараёнининг мустақил сиймоси сифатида назарда тутмаганлиги боис унинг тафтиши сифати про-

цессуал равишда таъминланмаган, уни тўлиқ, ишончли, холисона ўтказиш кафолати мавжуд эмас.

Ҳолбуки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг топшириғи бўйича тафтишлар ўтказишнинг процессуал жиҳатлари пухта илмий ишланмани талаб этади. ЖПКнинг 174-моддаси бухгалтерия экспертизасини фақат экспертиза муассасаларининг мутахассислари, алоҳида ҳолларда эса, давлатга қарашли бошқа муассасаларнинг мутахассислари ўтказишлари кераклигини талаб қилиши бежиз эмас.

**Ж**ПК 172-моддаси, Хўжалик процессуал кодекси (ХПК) 67-моддаси, Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК) 84-моддасининг талабларидан келиб чиқилса, иқтисодий (шу жумладан бухгалтерия) экспертизасини тайинлаш учун асос бўлиб иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни белгилаш учун иқтисодий масалалардан хабардор шахс томонидан ўтказиладиган махсус текширувларнинг зарурлиги ҳисобланади. Шундай бўлса-да, юқорида кўрсатилганидек, жиноят процессуал қонунчилиги иқтисодий экспертизани олиб бо-

риш мажбурий бўлган экспертизалар жумласига киритмайди, ҳолбуки амалда иқтисодий жиноятлар билан боғлиқ ҳар бир жиноят иши бўйича унга объектив зарурат туғилади. Бугунги кунда, агар уни ўтказиш чоғида махсус эксперт билимларидан фойдаланилмаса, бундай ишларнинг кўпчилигини тўлиқ ва ҳар томонлама тергов қилиш тўғрисида гапириб бўлмайди. Шу сабабли махсус иқтисодий билимларни тақозо этадиган барча ҳолларда иқтисодий экспертизани албатта тайинлаш мақсадга мувофиқ бўларди.


Амалдаги хўжалик процессуал қонунчилигига мувофиқ хўжалик суди, жиноят жараёнидаги суддан фарқ қилиб, ўзининг ташаббусига кўра экспертиза ўтказишга ҳақли эмас (ХПКнинг 67-моддаси). Қонунда

суднинг ўз ташаббусига кўра далилларни йиғиши деган норма мавжуд эмас, экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимоснома бериш эса фақат низолашаётган тарафларнинг процессуал ҳуқуқи ҳисобланади. Афсуски, тарафлар ҳар доим ҳам бу ҳуқуқларидан суд-иқтисодий экспертизаларни тайинлаш учун фойдаланавермайди, суд эса бир қатор масалаларни кўриб чиқишда ташаббус кўрсатиш имкониятига эга бўлмайди. Бу эса иш бўйича ҳақиқатни белгилашга салбий таъсир кўрсатади. Даъвогар ва жавобгар, ўз манфаатларини ҳимоя қила бориб, экспертларнинг хулосалари билан ҳам ўз далил-исботларини асослашлари керак. ХПКнинг 55-моддасига мувофиқ айнан ишда иштирок этувчи шахсларга қонун билан ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаш мажбурияти юкланади. Бир тарафдан, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тарафларнинг роли кучайтирилган. Бироқ бошқа тарафдан – айрим суд жараёни иштирокчилари суд экспертизасининг имкониятлари ҳақида ҳатто билмасликлари ҳам мумкин, шу боис фақат судьяларнинг профессионализмига умид қила оладилар.

**П**РОЦЕССУАЛ қонунчилик экспертиза тайинланишини назарда тутаяди, бироқ у фақат умумий кўринишда, яъни терговчилар ёки судьяларда ҳал қилиш учун махсус билимлар талаб қилинадиган муаммолар юзага келганда тайинланиши мумкин. Тергов қилиш муддатининг узоқ давом этиши ва чекланганлиги сабаби уни тайинлашни рад этишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Иқтисодий экспертизалар, одатда, материалларнинг катта ҳажмини ўрганишни тақозо этади ва, шубҳасиз, анча вақтни олади. Ушбу ҳолат, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги экспертиза муассасаларида суд экспертизалари олиб борилишини ташкил этиш тўғрисида низомида\* назарда тутилган, унда суд-иқтисодий экспертизаларни олиб бориш муддати 30 кунга қадар қилиб белгиланган, бу эса экспертизанинг бошқа турлари билан қиёслаганда анча кўпдир. Шу сабабли уни тайинлаш масаласини тарафлар дастлабки терговнинг бошланғич босқичидаёқ ҳал этишлари мақсадга мувофиқдир. Бу иш қанчалик аввал бажарил-

са, терговнинг умумий муддатларини орқага суриш эҳтимоли шунча кам бўлади. Бундан ташқари, мазкур экспертиза туторининг ўз вақтида тайинланиши муайян даражада манфаатдор шахсларнинг ўз молия-хўжалик фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатларни йўқ қилиши ёки қалбакилаштиришидан кафолатлайди.

Терговчилар ва судлар экспертнинг дастлабки хулосасини тўлиқ ўрганганларидан ва ушбу ҳолларда мақсадга мувофиқ бўлган мазкур хулоса бўйича тушунтиришлар олиш учун экспертни олдиндан судга чақиргандан кейин қайта экспертизани тайинлашга ҳақлилар (ЖПКнинг 176, ХПКнинг 69, ФПКнинг 194-моддалари). Ушбу қарорни асослаётганда улар, хусусан, дастлабки экспертизани ўтказган експер-



тнинг хулосасидаги нотўғри ва асоссиз деб топиладиган ёки шубҳа уйғотадиган қоидаларни кўрсатишлари керак. Кодексларнинг юқорида айтилган моддаларига мувофиқ, хулосада ноаниқликлар бўлганида ёхуд янги ҳужжатлар кучга киритилганида қўшимча экспертиза тайинланади.

Қонун ҳужжатларида шу ҳам назарда тутилганки, айбланувчилар, уларнинг ҳимоячилари, даъвогарлар, жавобгарлар терговга экспертиза тайинлаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқига эгалар, агар экспертиза иш бўйича ҳақиқатни белгилаш учун муҳим бўлса, терговчилар ва суд бунинг ради этишга ҳақли эмаслар ва бунинг ради этмасликлари керак. Ишда иштирок этувчи шахслар экспертиза ўтказиш чоғида ҳозир бўлишлари лозим, бундай ҳозир бўлиш ёки суд мажлисидан ташқарида экспертиза ўтказилиши экспертларнинг нормал ишлашига ҳалал бера оладиган ҳоллар бундан мустасно. Амалиётда айбланувчилар, даъвогарлар, жавобгарларнинг экспертиза ўтказиладиганда ҳозир бўлиш ҳуқуқини суд-тергов органининг қарори (ажрими) асосидагина амалга ошириш мумкин, бу эса айбланувчининг ҳимояланиши ҳуқуқини кафолатлайди.


Кодексларга мувофиқ экспертни сўроқ қилиш судда унинг хулосасини аниқлаштириш мақсадида амалга оширилиши мумкин (ЖПКнинг 186, ХПКнинг 47, ФПКнинг 193-моддалари). Бу эса суд томонидан эксперт хулосасининг олдиндан ўрганилиши ва масалалар доирасининг фақат экспертиза ўтказиш жараёнида ўрганилганлари билан чекланишига олиб келади.

Экспертизанинг хулосаси ҳам, бошқа исботлаш манбалари сингари, унинг асосланганлиги, процессуал қонунлар талабларига риоя этилиши нуктаи назаридан таҳлил қилиш йўли билан ҳар томонлама танқидий баҳоланиши керак. ЖПКнинг 187, ХПКнинг 61, ФПКнинг 67-моддалари маъносига кўра, бунда унга мутлақ аҳамият беришга ҳам, экспертнинг хулосасига менсимай муносабатда бўлишга, уни асоссиз равишда назарга олмасликка ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

**НИНА СЕРДОБИНЦЕВА,**  
Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Республика суд экспертизаси  
марказининг штатдан ташқари  
иқтисодчи эксперти.

\*АВ ҳайъатининг 1997 йил 19 февралдаги баённомаси билан тасдиқланган.





# TOP

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОПИ!

«Норма маслаҳатчи» N 16 (249) 2010 йил 20 апрель

## Chevrolet NIVA

Ҳақиқий внедорожникнинг янги тури




Буюртмага

H512


Расмий дилер: "Sanar" хусусий корхонаси [www.sanar.uz](http://www.sanar.uz)  
Манзил: Тошкент ш., У.Носир кўч. (мўлжал – Жанубий вокзал, кичик ҳалқа йўли)  
Тел.: (+99871) 140-00-61, (+99890) 317-67-97, 325-88-87

CHEVROLET

## МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ



**АНДИЖОН  
КАБЕЛЬ  
ЗАВОДИ**




ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

**РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА  
СИФАТ ВА КАФОЛАТ**






Тошкент ш., Қибрай (собиқ М.Жалил) кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (хўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: [tashkent@ak.uz](mailto:tashkent@ak.uz), [www.cable.uz](http://www.cable.uz)



## САМАРАЛИ ХУЖЖАТ АЙЛАНИШИ ВА ТЕЗКОР БОСМА УЧУН ЕЧИМЛАР

- ✓ Konica Minolta нинг тўлиқ рангли ва монохром копирлари, принтерлари, кўпфункционали офис тизимлари, сермахсул босма тизимлари
- ✓ RISO рақамли мини-босмахоналар, матбаа ускуналарининг кенг доираси
- ✓ ACCO Brands офис ускуналари
- ✓ Персонал компьютерлар ва лицензион дастурий таъминот




- Фойдаланишнинг бутун даврига кафолат, техник кузатув
- Оригинал сарфлаш материаллари ва бутловчи буюмлар

Товар сертификатланган

ATK TURON – Konica Minolta, RISO, ACCO Brands нинг расмий ҳамкори  
Тел./факс: 237 47 00, 237 48 00. E-mail: [info@atcturon.uz](mailto:info@atcturon.uz), [www.atcturon.uz](http://www.atcturon.uz)

**УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ  
РЕСТОРАН ТАНЛАНГ**  
[www.restoran.uz](http://www.restoran.uz)



## ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ МАҚСАДИДА

Ишончли  
1350 000  
сўмлик қиммати



QUVVAT®

ишлаб чиқаради

Ўзбекистон  
бозорига  
12 йил

**ЭЛЕКТРОН  
СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАР  
ИССИҚЛИК ҲИСОБЛАГИЧЛАР  
SUMMATOR-3**

Ангрен ш. + (99870) 662 44 77, + (99893) 182 46 57, Тошкент ш. + (99898) 300 22 67  
E-mail: [sales@quvvat.uz](mailto:sales@quvvat.uz), web-site: [www.quvvat.uz](http://www.quvvat.uz)

112-09

## “Интеграл стар” ХК таклиф қилади

**ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ**

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган  
Товарлар сертификатланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

Ташкилот нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан қуйдагиларни сотади

♦ **ТИҚИНЛИ АРМАТУРА:** ЗУЛФИНЛАР, ВЕНТИЛЛАР, КЛАПАНЛАР, ЗАТВОРЛАР, КОНДЕНСАТ ҚАЙТАРГИЧЛАР, КРАНЛАР (зангламайдиган, пўлат, чўян, алюминий, пластмассада, гуммиранган)

♦ **ЛИФТЛАР 100 дан 5000 кг гача (йўловчи, юк ташувчилар)**

- ♦ Фавворали арматура Ø65/350
- ♦ Насос Х-250-200-315 Т, Х-200-150-500 К-СД-УЗ ПНС-500/10
- ♦ Электр, қўлда ишлайдиган насослар
- ♦ МСК 1000/350
- ♦ Электр таллар, кран-балкалар (қўлда ишлайдиган, электр)
- ♦ КТЦ, УКВ, КТН саноат кондиционерлари
- ♦ Дизель кўчма электр станцияси 60 кВт
- ♦ Муз генератори (30х30 мм ли кубиклар)
- ♦ “Россиянка” электр плиталари (4 конфоркали, духовкаси бор)
- ♦ Сув, бўғда ишлайдиган калориферлар, КИД, КВУ клапанлари
- ♦ Гидрантлар, ўт ўчирувчилар энглари

Тел./факс 273-83-86, 273-95-90, 175-81-56 (уяли). E-mail: [kaspi64@bk.ru](mailto:kaspi64@bk.ru)

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Бухоро филиали мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик кимошди савдоларига таклиф этади. Савдолар 2010 йил 27 апрель куни соат 15.00 да биржа жойлашган бинода бўлиб ўтади. Савдоларга суд ижрочиларининг Олот туман бўлимининг 2010 йил 8 апрель 61-сонли ижро варақалари ижросини бажариш мақсадида ўтказиладиган қайта очик кимошди савдоларига таклиф этади. Қуйдаги автотранспорт воситаси чиқарилади:

1. 1994 й. и/ч, давлат № S919MA\9636TS бўлган қора рангли Волво русумли автомашинаси. Бошланғич баҳоси - 77069 560 сўм.

Савдоларга қатнашиш учун истақ билдирган шахслар қуйдаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

1. Мулкни сотиб олиш учун ариза.
2. Закалат тўғрисидаги келишув шартномаси.
3. «Савдо ташкилотчиси»нинг МФО 00119, СТИР 203439473, «Ипотека» банк АТИБ «Сардор» филиали 202080007040881270001 ҳисобрақамига мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдоридеги гаров пуллари тўланганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси.
4. Жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, агарда унинг вакили бўлса, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома.
5. Ҳуқуқий шахслар учун – шахсининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси. Агарда аукционда ваколатли вакил қатнашганда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади.

Автомашина қуйдаги манзилда сақланмоқда:

1994 й. и/ч, давлат № S919MA\9636TS бўлган қора рангли Волво русумли автомашинаси Олот туман божхона комплекс жарима майдончасида.

Автомашиналар учун аризаларни қабул қилиш савдолар бошланишига бир кун қолганда, яъни 2010 йил 26 апрель соат 15.00 гача суд департаменти мулклар учун тўхтатилади. Аризалар Бухоро Агросаноат биржаси томонидан қабул қилинади.

Иштирокчиларга аукцион савдоси тўғрисида эълон қилинган пайтдан бошлаб аукционга қўйилган мулк билан танишиш имконияти яратилади.

Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик кўч., 10-уй., тел.: 223-29-97, 223-48-87.

Электрон почта: [buparb@gambler.ru](mailto:buparb@gambler.ru). Лицензия: серия DB 001 рақами 000012.

Хизматлар лицензияланган

## Куласизми ёки куясизми?

## БИРОВНИНГ ҲАҚИ...

Ўтган йилнинг декабрида Шимолий Қозоғистон вилоятида маориф соҳаси ходимларидан бир гуруҳи 18 млн тангани (2010 йил 27 январга бўлган маълумотга кўра 1 АҚШ доллари 147,91 тангага тенг) ўзлаштирилган учун ҳукм қилинди. Ушган жиний гуруҳ таркиби Есил тумани халқ маорифи бўлими бошлиғи, бош бухгалтери, бош мутахассиси ва бошқа ходимлари – жами 7 кишидан иборат.

Бухгалтерлар интернат-уй тарбияланувчилари овқатланиши ҳамда мактабларни таъмирлаш ишларига ажратилган пуллари ўзлаштирилган, ўлик жонларга касаллик варақалари расмийлаштирилган. Фаррошлар, ўтқарлар ва мактаб қоровулларини олий тоифадаги ўқитувчилар қаторига киритиб, уларнинг “малакасини ошириш” баҳонасида 8 млн танга ишлаб олишган. Сохта туғиш таътиллари йўлаб топиб, яна 2 млн тангалик бўлишган. Пуллари бу йўсинда ўзлаштирилиши бош бухгалтер ўйлаб топган ва ҳийла-найрангларга ҳам ўзи бош бўлган. Бир неча йил мобайнида шу алфозда, ими-жимида иш кўришган. Бир зийрак одам оддий бухгалтерларнинг тараллабедод ҳаёт кечириётганига ҳайрон бўлиб, полицияга арз қилмагунча бу ҳол давом этаверган. Учига чиққан бу фирибгарликда қизиқ ҳоллар ҳам юз берган – сохта кўзи ёриди деб расмийлаштирилганлар орасида чиндан ҳам битта жувон фарзанд кўриб, компенсация ва нафақа тўлашни талаб қилган.



Бухгалтерлардан икkitаси шартли жазо муддатига ҳукм қилинди, қолганлар эса 5-9 йилни темир панжара ортида ўтказадиган бўлди. Маҳкумларнинг мол-мулки мусодара этилди.

Kazakhstan Today.



**“AUDIT INCOME” МЧЖ**

барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказамиз

H1375 **БАРЧА ТУРДАГИ ХИЗМАТЛАР:** Хизматлар лицензияланган  
29.12.2007 йилдаги  
АФ 00181-сон лицензия.

- аудиторлик
- солиқ солиш
- консалтинг
- тиклаш

Бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, “1С: Бухгалтерия”, шунингдек янги барпо этилаётган ташкилотлар учун хизматлар ва бошқа малакали хизматлар.

Манзил: Тошкент ш., Сарабўстон кўч., 3а, 2/15 корпус

тел.: (+99871) 256-25-18, 254-06-08

e-mail: inkam\_co@mail.ru www.audit-income.uz

**“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ**

аудиторлик ташкилоти

МБнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

Барча ҳўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувлари

Хизматлар халқаро малакага эга аудиторлар томонидан кўрсатилади

✉ e-mail: nazorat\_audit@mail.ru  
8-371-2794716, +99897 402-05-00  
+99897 258-57-97, +99897 340-88-65  
8-371-2794401

**“Аудит-ВАРН” МЧЖ**

аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН

ХУДУДИДА, БҲМС ВА МҲХС  
БҲИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ  
АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ  
ЎТКАЗАДИ

128-10

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099, уяли +99897 1192248

Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42.

Тошкент вил., тел. +99897 4541664

Жиззах вил., Самарканд вил.,

тел.: +99897 7725296, +99897 1192248

ЎЗР АВНИНГ 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси.

28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

**“AMIR-AUDIT” МЧЖ**

- Хамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - ЎЗРдаги 5000 ЭКИХдан ортиқ

CAP сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ ва унинг вилоят филиалларида бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

I. РКМБ Марказий идорасининг аукцион савдосига Куйичирчиқ тумани СИБ томонидан 03.03.2010 йилдаги 2199-сонли ижро ҳужжати асосан Куйичирчиқ тумани Чақмоқ қишлоғида жойлашган «ККС-3» МЧЖга тегишли бўлган бино-иншоотлар ва тош майдалагич ускуналари кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 408 975 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 25 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари ва кўчмас мулк 2010 йил 25 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 15 июль куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек, 2010 йил 4 май куни соат 11.00 да такроран бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан 22.04.09 йилдаги 11-0909/3751-сонли ижро ҳужжати асосан «Neptun Plus» МЧЖга тегишли, Тошкент в., Оҳангарон т., Увақ қ.ф.й., Гулбоғ қишлоғи худудида жойлашган, умумий майдони 0,92 га бўлган, 4 қаватли поликлиника биноси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 666 106 200 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги куйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел. 228-7952.

II. РКМБ Хоразм вилояти филиалининг аукцион савдосига Хоразм вилоят ҳўжалик судининг 21.12.2009 йилдаги 10493-сонли ижро варақасига асосан Янгиариқ туман суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Янгиариқ тумани маркази Урганч кўчасида жойлашган «Янгиариқ Гулланбоғ Текстил» МЧЖга қарашли бўлган, умумий ер майдони – 5 136,94 кв. метрни, шундан қурилиш ости ер майдони – 1 044,31 кв. метрни ташкил қилган, 2 қаватли тикувчилик цехи №2 биноси, ПРУ биноси, сабзавот омбори биноси, бостирма, ҳолатхона биноси, резервуар кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 95000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 4 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги куйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотека» банки «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, ИНН: 200933850. Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Телефон: 8 (362) 226-43-64, 226-32-63, факс: 224-36-97.

III. РКМБ Сирдарё вилояти филиалининг 2010 йил 18 май куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри «Бизнес маркази» биносининг мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Мирзаобод туман суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2010 йил 10 февралдаги ижро варақасига асосан давлат даромадига ундирилган, Мирзаобод туман 2535-сонли автобаза худудида жойлашган ошхона ва автомобилларни ювиш бинолари кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 102 369 704 сўм.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Сирдарё вилоят филиалининг ДТ Халқ банки Сирдарё шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт:

МФО 00760, ИНН: 200933850, х/р: 20210000800571452122. Манзил: Гулистон шаҳар, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 56-хона. Тел.: (8-3672) 26-28-93, 26-38-91.

Юқорида кўрсатилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бево-сита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Диққат!

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг ҳудудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишини алоҳида маълум қилади. Оммавий савдолар мулк эгасининг ихтиёрига кўра бево-сита жойларга чиқиб ўткази-лиши мумкин. www.rkmb.uz. Лицензия: ДВ 001 №000004. Хизматлар лицензияланган.

**\*Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 2 апрелдаги қарорларига асосан****Собир Раҳимов туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи                                  | СТИР      | Раҳбар<br>исм-шарифи | Юридик<br>манзили           | Қарор рақами |
|-----------------------------------------------|-----------|----------------------|-----------------------------|--------------|
| “MEVASABZAVOT GO'SHT-SUT TAYYORLOV SAVDO” МЧЖ | 205237368 | Б.Эшмирзаев          | Юнусобод 18-24-19           | 10-1014/3672 |
| “NURMUXAMMAD GLOBAL SERVIS” МЧЖ               | 300625993 | И.Холматов           | Уста Ширин кўч., 116        | 10-1014/3673 |
| “PRADO TERMINAL” МЧЖ                          | 301274860 | М.Хайдаров           | Матлубот кўч., 15           | 10-1014/3675 |
| “KO'HINUR NAFIS” ХК                           | 300829880 | Н.Мирзаева           | Қизил тут ўтар кўч., 43     | 10-1014/3678 |
| “JANUARY-PLAST” МЧЖ                           | 204873267 | Ке Лимужанг          | Чилонзор, Майсазор кўч., 30 | 10-1014/3682 |
| “AZIA GRAND PRODUKT” МЧЖ                      | 300931677 | Ф.Умаров             | Икромов кўч., 9             | 10-1014/3686 |
| “ULGAY SAVDO” ХК                              | 205259751 | Ш.Мухаммадиев        | Беруний кўч., 1-41          | 10-1014/3680 |
| “ORTIQ BINOKOR” МЧЖ                           | 301191450 | Ж.Қосимов            | Иброҳим ота кўч., 29        | 10-1014/3676 |
| “ZAHRO-SHAHLO” МЧЖ                            | 206649835 | Ш.Музапарова         | Қорасу, 4а-37               | 10-1014/3688 |
| “NERO SERVIS MEDIKAL” ХК                      | 206949690 | Ғ.Аминов             | Қорасарой кўч., 361-17      | 10-1014/3693 |
| “TARAQQIYOT POLIGRAF” МЧЖ                     | 206971341 | Б.Рустамова          | Қорақамиш 2/4, 44-15        | 10-1014/3692 |
| “BARKAMOL-OMAD” МЧЖ                           | 205857736 | Р.Султонова          | Муаззамхон кўч., 2          | 10-1014/3690 |
| “MASAL-TOV-SERVIS” МЧЖ                        | 205974512 | Р.Рузиев             | Қорақамиш 2/4, 60а-13       | 10-1014/3697 |
| “O'RACLE TRADE” МЧЖ                           | 300688575 | Н.Қосимов            | Тўрақулов кўч., 13          | 10-1014/3694 |
| “ZAHXULLA-SERVIS” МЧЖ                         | 300161038 | Х.Ибрагимова         | Зарқайнар кўч., т-2, 7      | 10-1014/3696 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Собир Раҳимов тумани ҳокимияти махсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**СОЛИКЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ  
ХУКУКБОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1  
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи-назарига мос келмавермайди.

Тахририят оғоҳлантирадиги, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

“Норма маслаҳатчи”да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга қатъан “Норма” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйиладди.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “ТОПРИНТ” МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Индекс – 186 Буюртма 543 Адади 5400.  
Баҳоси келишилган нархда  
Газета 2010 йил 16 апрелда соат 20.00 да топширилади.  
ISSN 2010-5223

**Рўйхатлар**

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 7 апрелдаги ажримларига асосан Собир Раҳимов туманидаги умумий тартибда банкрот деб иш юритиш ва кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

| Корхона номи                       | Ажрим рақами | Муваққат бошқарувчи |
|------------------------------------|--------------|---------------------|
| “Toshtex Qurilish Servis” ШК       | 10-1014/5516 | Х.Қосимов           |
| “Maksi Grand Optimal” МЧЖ          | 10-1014/5509 | Х.Қосимов           |
| “Avantime Qurilish Savdo” МЧЖ      | 10-1014/5508 | Х.Қосимов           |
| “Abroad Business” МЧЖ              | 10-1014/5512 | К.Сайдуллаев        |
| “Building Investment Services” МЧЖ | 10-1014/5517 | Б.Хаитбоев          |
| “Boxodir Alyans” МЧЖ               | 10-1014/5513 | Х.Қосимов           |
| “Mega Trade Group” МЧЖ             | 10-1014/5511 | К.Сайдуллаев        |
| “Mexroj Impex” МЧЖ                 | 10-1014/5518 | Х.Қосимов           |
| “Gold Universal Optimal” МЧЖ       | 10-1014/5515 | Б.Хаитбоев          |
| “Red Apple Group” МЧЖ              | 10-1014/5510 | Б.Хаитбоев          |

Мазкур корхоналар бўйича кредиторларнинг 1-йиғилиши 2010 йил 28 май соат 14.00 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 111-хонада бўлади. Умумлаштирилган тартибда банкротлик иши муҳокамаси 2010 йил 9 июнь куни соат 15.00 да Тошкент шаҳар ҳўжалик суди биносидан (Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй) 4-суд мажлислар залида кўриб чиқиладди.